



## AS A PEDAGOGICAL PROCESS IN THE ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION, THE EDUCATOR ORGANIZES AND DIRECTS THE DEVELOPMENT CENTERS ON THE BASIS OF THE STATE PROGRAM "FIRST STEP"

Sharafutdinova Durdona Akmalevna

Director of preschool education organizations

and retraining of specialists and  
their professional development institute

support doctoral student

### Abstract:

**Issues to be taken into account by educators working in preschool educational institutions in the organization of educational activities in development centers on the basis of the state program "First Step", to guide and control the activities of children curiosity, individual capabilities).**

**Keywords:** Educator, development centers, individual or small groups, individualization, information and communication technologies.

Тарбиячи ривожланиш марказларга раҳбарлик қилишда болаларнинг ўз танловларини амалга ошириши, муаммоларни ҳал этиши, атрофдаги кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиши, индивидуал мақсад қўйиши ва унга эришишни билишлари лозим.

Тарбиячининг энг муҳим вазифаси – ривожланиш марказларида болаларнинг мулоқотга киришишга бўлган қизиқувчанлигини рағбатлантирувчи муҳитни яратиш ва болаларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига қараб, ўз вақтида керакли шароитларни мослаштирган хамда уларни кузатишдан иборат. Индивидуал ёки кичик гуруҳлар учун топшириқлар ота-оналар билан сұхбатлашгандан сўнг, қайсиdir кўникмаларга алоҳида эътибор бериш учун ишлаб чиқлади.

Шундай экан, тарбиячи барча ёш гуруҳларида ривожланиш марказларга раҳбарлик қилар эканлар, болаларни мақсадли йўналтириб, уларни кузатиш ва назорат қилиши талаб этилади.

Умуман олганда, табиатан болалар ташкилотда гуруҳли фаолиятлардан сўнг, улар эркин ўз ҳолига қўйилганда кичик-кичик жамоаларга бўлинишиб, айрим болалар қуриш-ясаш жараёнини яъни леголардан уйлар қуриши, севимли ўйинчоги машина ҳайдashi, қўғирчоғини кийинтириши, у билан ўйинлар ташкил этиши, айрим болалар китоб варақлаб ўқишига интилиши, ўзи тушунмасада ёзишга уриниши, айримлари расм чизиши нарсалар ясашга тушадилар. Демак, табиатан бола фаоллик ва ривожланиш марказларида мустақил фаолият олиб боришига иштиёқи кучли.

Тарбиячилар болаларни айнан бир хил, ўхшаш нарсалар ва фаолият турлари билан таъминлашлари учун уларнинг ўзига хос, бошқалардан ажralиб турадиган ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ тасавурга эга бўлишлари лозим.

Мактабгача таълим ташкилотлари педагогик жамоасининг ўрни шундан иборатки, улар ҳар бир боланинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мос келадиган мақсадлар қўйишли, болалардаги табиий қизиқишларни қўллаб-қувватлашлари, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак.



Болаларга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида ривожлантирувчи муҳитда марказларни ташкил этишдан мақсад таълим жараёнини индивидуаллаштиришдан иборат бўлиб, 3 та муҳим йўналишга асосланади:

1. Конструкциялаш;
2. Ривожланиш хусусиятларини инобатга олиш;
3. Ривожлантирувчи таълим.

Бу жараёнда нафақат муҳит, мебель ва жиҳозлар жойлашуви балки бутун таълим-тарбия жараёни ўзгаради, эркинлашади.

Марказларга раҳбарлик қилувчи тарбиячи таълим-тарбия берувчи ролини ўсиш ва ўрганишга ёрдам берадиган кузатувчи ролига алмаштиради. Тарбиячи болаларнинг ўз эҳтиёжларини инобатга олиб, вазиятта мослаштирган ҳолда болалар фаолиятини диққат билан синчиклаб кузатиш ва назорат қилишдан иборат.

Тарбиячи болалар фаолиятини бошқариши ва қўллаб-қувватлаши зарур.



Тарбиячилар болалар марказларда қандай ривожланаётганлиги, билимларни қандай әгалаганлиги ҳамда уларнинг қизиқишилари ўзгараётганлигига қараб керакли жиҳозлар ва материалларни алмаштириб, ҳафталик мавзуларни янгилаб борадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини қуриш билан боғлиқ бўлган фаолият усусларини шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутади.

Мактабгача таълим ташкилотларда ҳам янги ахборот технологиядан жумладан, мультимедиали компьютер технологиясидан фойдаланиб машғулотларни самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш, болаларда компьютер саводхонлигини шакллантириш давр талабидир.



Мактабгача таълим ташкилотларида ривожланиш марказларни ташкил этишда гурух тарбиячиси энг муҳим вазифани бажаради. Тарбиячи ривожланиш марказларини ташкил этишда АКТ дан фойдаланишини ташкиллаштиради ва унга бевосита раҳбарлик қилади. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар таълим жараёнига мультимедиа технологиясини татбиқ этяптилар.

Таълим жараёнига татбиқ этиладиган мультимедиа технологияси анъанавий услубларга нисбатан маълум бир афзаликларга эга. Жумладан:

- болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради;
- бола бир вақтнинг ўзида ҳам кўради, ҳам эшигади (миянинг ўнг ва чап ярим шарлари бир вақтда фаоллик кўрсатади);
- анъанавий усулга нисбатан болаларга ўргатиладиган материалларнинг ҳажми ортади;
- машғулотларнинг самарадорлиги ошади;
- болаларнинг компьютер саводхонликларини шакллантиришга ёрдам беради;
- болалар машғулотда толиқиб қолмасликлари учун дидактик материалларни анимациялар орқали кўрсатиш имконияти мавжуд;
- ўрганилаётган материалларни кичик лавҳаларга ажратган ҳолда намойиш этиш ёки қайта намойиш этиш мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, бу хусусиятларни ўрганиш технологияларни жорий этиш жараёнида болаларнинг ёшларини ҳисобга олиш ва дидактик материалларни уларга мос танлаш, таълим жараёнида педагогик ва психологик таъсир этиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш бутунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади .

Мактабгача таълим ташкилотларида “Алифбе”, “Лунтик”, “Ўзбек халқ эртаклари” мультимедиа дастурларидан фойдаланиш таълимий фаолиятларнинг самарадорлиги оширмоқда.



## Ривожланиш марказларини ташкил этишнинг самарали йўллари.

Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимининг мазмунини янгилаш таълим-тарбия жараёнининг индивидуаллашуви, педагогнинг болалар билан шахсга йўналтирилган мулоқотини таъминлашни назарда тутади.

Педагогик импровизация кундалик амалиётда кенг тарқалган бўлиб, у педагогларга муайян вазиятда бола билан мулоқот қилиш вақтида мос келадиган усул, восита ва шаклларни танлаш имконини беради.

Бугунги кунда болалар мактабгача таълим ташкилотига мослаштирилмаслик керак, аксинча мактабгача таълим ташкилоти ҳар бир бола учун унинг қобилияти, имконияти, руҳий ва



жисмоний ҳолатларини эътиборга олган ҳолда зарур шароитларни яратишга интилиши керак.

Ҳар бир бола шахсининг бетакрорлиги ва ноёблигини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсий қизиқишилари ва эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш педагогларга таълим-тарбия жараёнида индивидуал ёндашувни амалга ошириш имконини беради.

Мактабгача таълим ташкилотларида ривожланиш марказларини яратиш таълими-тарбиявий фаолиятни ташкил этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Гуруҳ хонасида ривожланиш марказларини яратишда мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишида ўйин фаолиятининг етакчи ролини ҳисобга олиб, бу ўз навбатида ҳар бир боланинг эмоционал ҳолатини яхшилайди, уларнинг ижобий ҳис-туйғуларини, дунёга, одамларга, ўз-ўзига бўлган муносабат компетенцияларини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликда бўлиш каби мактабгача таълим мақсадлари амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг мактабгача таълим ташкилотларида ривожланиш марказларидан фойдаланиш билан педагогик жараённи ташкил этиш масаласи ўта долзарбdir. Бу Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурини амалда қўллаш билан боғлиқ.

МТТ гуруҳларидаги ривожланиш марказлари –бу педагогик жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган эстетик, психолого-педагогик шартлар мажмуаси бўлиб, ўқув муҳити оқилона ташкил этилган, турли хил ўйин ва ўқув материаллари билан таъминланган ривожлантирувчи муҳит.

Ташкил этилган ривожланиш марказида мактабгача ёшдаги бола фаол билимга асосланган ижодий фаолиятга жалб қилинади, унинг қизиқиши, тасаввури, ақлий ва бадиий қобилияtlари, мулоқот малакаси ривожланади, энг муҳими – шахснинг уйғун ривожланиши амалга оширилади.

Гуруҳдаги ривожланиш марказлари мактабгача ёшдаги болалар учун жуда муҳим бўлиб, жиҳозланган ривожланиш марказларидаги фаолият болаларнинг қизиқишиларини намоён этиш, атроф-оламни ихтиёрий равишда ўрганиш, борлик-дунёни ижодий тасаввур этишга ҳаракат қиласидилар.

Гуруҳдаги ривожланиш марказлари тарбиячи учун жуда муҳимdir, биринчидан, улар боланинг индивидуаллигини ва мактабгача боланинг мукаммал ривожланишини қўллаб-қувватлашда тарбиячи учун самарали ёрдамчи восита бўлиб хизмат қиласиди; иккинчидан, улар болаларни фаол мақсадли ва хилма-хил фаолият турларида иштирок этишда кенг имкониятларни яратишни таъминлайди;

учинчидан, ривожланиш марказлари тарбиячига болалар фаолиятини ташкил қилиш учун маҳсус жой сифатида хизмат қиласиди ва таълим-тарбия жараёнига таъсир кўrsатади.

Педагог вазифаси болаларнинг ўзига хос хусусиятларни очиш ва уларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун ривожланиш марказлари ва улардаги воситалари (жиҳоз, анжом, методик ёндашув)дан фойдаланишdir.

Шунинг учун ушбу даврда мактабгача таълим ташкилотида ушбу марказларни жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилади, унда боланинг ижодий фаолияти шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Тарбиячи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг турли инновацион, замонавий методлари, шакллари ва воситаларидан фойдаланиши керак.



Мактабгача таълим ташкилотларида тўғри ташкил этилган ва жиҳозланган ривожланиш марказлари қуидагиларни бажаради:

- а) таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий ва рафбатлантирувчи вазифаларни;
- б) мавзули режалаштириш таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш жараёнида ривожланиш марказлари таркибидаги барча компонентлар (ўйинчоқлар, анжомлар, таълимий материаллар) ўзгаради, янгиланади ва тўлдирилади;
- в) ривожланиш марказлари болаларнинг катталар билан ҳамкорликдаги (шунингдек, турли ёшдаги болалар групчига бўлса ундан болалар) фаолиятларида ўзаро мулоқот қилиш, болаларнинг ҳаракат фаоллиги, шунингдек, болаларнинг бир-бирларига ёрдам бериш имкониятларини таъминлайди;
- г) инклузив таълимни ташкил этишда унга зарурий шарт-шароитлар яратиш лозим;
- д) таълимий-тарбиявий фаолиятни ташкил этишда миллий-маданий, иқлим шароитларини инобатта олиш мақсадга мувофиқ.

Ривожланиш марказларини ташкил этишининг **асосий талаблари** “Илк қадам” Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини бажаришdir.

Ривожланиш марказларида бир вақтнинг ўзида фаол мулоқот ва билиш-ижодий фаолиятга тарбияланувчиларни якка тартибда, шунингдек, кичик (алоҳида) групчларда жалб этиш мумкин. Ривожланиш марказлардаги етакчи фаолият – бу **ўйин** бўлиб, амалиётчи педагогларнинг ушбу фаолиятни кенг қўллашда қизиқишлиари ортиб бормоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. – Т.:2018.
2. **“Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури.** – Т.:2018.
3. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (кичик групч). Методик қўлланма. – Т.:2018.
4. ИшмухамедовР.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2016.– 279б.
5. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва **“Илк қадам” давлат ўқув дастурини жорий этиш бўйича тренерлар учун қўлланма.**– Т.:2019.